



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлигининг
2020-2021 йиллар учун
ҲИСОБОТИ**

Тошкент – 2022

Мундарижа

Кириш	- 3 -
I. Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмасини ривожлантириш соҳасидаги фаолият	- 5 -
II. Лойиҳа бошқаруви ҳамда инвестицион лойиҳалар мониторинги бўйича илғор усулларни жорий қилишдаги ҳамкорлик.....	- 13 -
III. Инвестицияларни жалб қилишда кўрсатилган ёрдам ва халқаро ҳамкорлик	- 15 -
IV. Коррупцияга қарши курашиш, Агентлик ходимларининг малакасини ошириш ва Агентлик фаолияти шаффофлигини таъминлаш	- 18 -

КИРИШ

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Мирзиёев Шавкат Миромонович раҳбарлиги остида иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, жаҳон ҳамжамияти янги муаммоларга ва чақириқларга учраётган ҳамда коронавирус пандемияси туфайли юзага келган анъанавий иқтисодий алоқалар трансформацияга учраган вазиятда, энг янги технологиялардан самарали фойдаланиш ва рақамлаштириш масалаларининг аҳамияти сезиларли даражада ошди.

Крипто-активлар соҳаси ҳозирда рақамли маконнинг мутлақо янги ва динамик ривожланаётган соҳаларидан бирига айланди. Сўнги йилларда крипто-активлар бозорига қизиқишнинг барқарор ўсиши кузатилиб, мазкур бозорнинг капиталлашуви 2 триллион АҚШ долларига етди.

Бугунги кунда ушбу соҳага қарашларнинг умумий ўзгаришининг аниқ тенденцияси кузатилиб, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари крипто-активлар айланишини ҳуқуқий тартибга солиш заруратини англаш даражаси ортиб бормоқда.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси жаҳонда ушбу соҳага эътибор қаратган биринчи давлатлар қаторида бўлиб, соҳа бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик деб юритилади) томонидан 2020-2021-йиллар давомида крипто-активлар айланмаси соҳасини янада шакллантириш ва ҳуқуқий базасини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясини жорий қилиш ва активларнинг токенлаштириш молиявий инклюзивлигини ривожлантириш, янги молиявий ва инвестиция воситаларни яратиш ҳамда транзакция харажатларини камайтиришга қаратилган. Шу билан бирга, ушбу технологиянинг хусусиятлари аноним транзакцияларни амалга ошириш имкониятини беради. Шунингдек, крипто-активлар нархларида юқори ўзгарувчанлик хусусияти мавжуд.

Шу муносабат билан Агентлик томонидан халқаро стандартлар талабларига (ФАТФ тавсиялари) риоя этилишини таъминлашга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва крипто-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ҳисоботда Агентликнинг 2020-2021 йиллар давомидаги фаолияти - крипто-активлар айланмасини яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга оширишга кўмаклашиш ва халқаро

ҳамкорлик каби соҳалардаги асосий натижалари келтирилган бўлиб, умид қиламизки, бу барча ушбу ҳисобот билан танишганлар учун қизиқарли бўлади.

Шу билан бирга яна бир бор таъкидлаш жоизки, Агентлик ходимлари ҳам аввалгидек Ватанимиз равнақи, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни такомиллаштиришга, сармоявий муҳит яратишга, фуқаролар фаровонлигини ошириш ҳамда “Янги Ўзбекистон”ни барпо этишга қаратилган ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади.



Д.Р.Ли

I. Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмасини ривожлантириш соҳасидаги фаолият

Агентлик томонидан, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги ваколатли орган сифатида соҳани ҳуқуқий бошқаришни такомиллаштириш ва республикада крипто-активлар айланмасини ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолияти 2020-2021 йилларда давом эттирилди. Агентлик томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар талабларига (ФАТФ тавсиялари) риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Соҳадаги ишлар қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилди:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- илғор хорижий тажрибага асосланган крипто-активлар муомаласининг институционал асосларини яратиш;
- крипто-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўриш;
- Агентликнинг экспертлик потенциалини ошириш ва кенг халқаро ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш.

1.1. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ривожлантириш

2020-2021 йилларда Агентлик томонидан крипто-активлар муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга инновацион ёндашувларни жорий этишга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Агентлик томонидан **Миллий майнинг пул** ва **Тартибга солиш қумдонини** яратиш ташаббусини илгари сурилди.

Мазкур ташаббусни амалга ошириш мақсадида Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда республика вазирлик ва идоралари билан келишилди, қарор лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ва Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилиб, белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6044-сон Фармони аналга ошириш мақсадида, Агентлик томонидан “Крипто-активлар айланмаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда қуйидагилар назарда тутилган:

- ❖ Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги асосий қоидалар, атамалар ва таърифлар;
- ❖ крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларини, юридик шахслар ва жисмоний шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ушбу фаолият учун давлат божларини белгиловчи фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари;
- ❖ крипто-активлар муомаласи соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар тушунчалари, хусусан, хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек платформалар (платформа турлари), хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг учун давлат божи ва ҳоказолар;
- ❖ крипто-активлар айланмаси соҳасида рухсат бериш жараёнлари тартиби;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида крипто-активлар чиқариш учун асосий талаб ва шартлар;
- ❖ крипто-активлар айланмаси соҳасида рекламага қўйиладиган талаблар;
- ❖ крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунбузарликлар турлари ва крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарлик.

Ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси идоралараро келишиш жараёнини ўтмоқда.

Шу қаторда, Агентлик томонидан янги редакциядаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқаётган ишчи гуруҳга крипто-активларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи тегишли таклифлар киритилди.

Шу билан бирга, крипто-активлар айланмасини янада такомиллаштириш ва уларнинг хуфиёна айланмаси даражасини камайтириш мақсадида Агентлик томонидан 2021-йил ноябр ойида **Крипто-биржа савдолари қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар** (рўйхат рақами 22.01.2019 й. № 3127) киритилди, ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ:

- “токен” атамасининг янги таърифи ўрнатилди;
- крипто-биржаларга токенлар чиқарилишини рўйхатга олиш ҳуқуқи берилиб, шунингдек, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган токен чиқарилишига асосий талаблар белгиланган;

- Ўзбекистон Республикаси резидентларига миллий валютада крипто-биржаларда криптоактивлар ва токенлар билан барча турдаги крипто-биржа савдоларининг амалга ошириш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари билан эса фақат крипто-активлар ва токенларни сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Ушбу ўзгаришлар токенларни чиқаришни ташкиллаштириш учун ҳуқуқий асос яратиш имконини берди ва шу билан бирга инвестицияларни жалб қилишнинг янги ва инновацион воситасини жорий этишга имконият яратди.

Ҳозирда Агентлик томонидан хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг илғор тажрибалари асосида крипто-активлар айланмасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

1.2. Крипто-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишга қарши қаратилган фаолият

Агентлик томонидан крипто-активлардан жиноий мақсадларда ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу соҳадаги устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар талабларига (ФАТФ тавсиялари) риоя этилишини таъминлаш;
- назорат фаолиятда таваккалчиликка қаратилган ёндашувни қўллаш ва крипто-активлар айланмаси соҳасидаги ноқонуний фаолиятни амалга ошираётган шахслар фаолиятини аниқлаш чораларини кўриш;
- фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ўртасида, крипто-активлар айланмаси бўйича ўрнатилган тартибни бузишининг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш.

2020-2021 йилларда ФАТФнинг 15-чи ҳамда бошқа тавсиялари талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, Агентлик томонидан:

(1) Бош прокуратура билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги 640-ЎРҚ-сон Қонуни

ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таъминланди, унга кўра крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахслар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини жорий қилиши мажбур бўлган, пул ёки бошқа мулк воситалари билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга тенглаштирилди ва ушбу ташкилотлар рўйхатига киритилди;

- (2) Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда – Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент) билан биргаликда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидалари (кейинги ўринларда – Ички назорат қоидалари) тасдиқланиб, ушбу ҳужжат 2021 йил 9 июн куни Адлия Вазирлигида 3309-рақам билан рўйхатдан ўтказилди. Ушбу Ички назорат қоидалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга қўйиладиган талабларни, унинг мақсад ва вазифаларини, мижозларни аниқлаштириш ва тегишли текширув чоралари, шубҳали операциялар мезонлари ҳамда ФАТФ Тавсияларига асосланган бошқа талабларни ўз ичига олади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу Ички назорат қоидалари МДХ ҳудудидаги илк бора ишлаб чиқилган, крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолият олиб борувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга масалаларини тартибга солувчи ушбу турдаги ҳужжат бўлиб, мазкур Ички назорат қоидалари ФАТФнинг крипто-активлар айланмасини тартибга солувчи йўриқнома ҳужжатлари, шу жумладан таваккалчиликга қаратилган ёндашувни қўлловчи “Виртуал активлар ва виртуал активларга хизмат кўрсатувчи провайдерлар” йўриқномаси (2019 йил июн) ва ФАТФнинг “Виртуал активлар. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг қизил байроқчалари” ҳисоботи (2020 йил, сентябр) асосида ишлаб чиқилган;

- (3) крипто-активлар айланмаси соҳасида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни

молиялаштириш хавфини секторал баҳолаш (ХСБ) ташкил етилди ва ўтказилди, натижада ХСБ ҳисоботи тайёрланди ва у 2021 йил 12 апрелда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссия томонидан тасдиқланиб, ишда фойдаланиш учун барча манфаатдор ташкилотларга юборилди.

ХСБ натижаларига кўра, Агентлик томонидан 2021 йил 16 апрелда 10/1-сон буйруқ қабул қилинди, унда крипто-активлар айланмаси билан шуғулланувчи шахсларни назорат қилиш бўйича Агентлик фаолиятида хавфга асосланган ёндашувни жорий этиш чоралари кўзда тутилди;

(4) фуқаролар ва тадбиркорларга крипто-активлар айланмаси асослари ва маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясининг моҳиятини тушунтиришга қаратилган матбуот анжуманлари ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида ушбу ҳақида чиқишлар, ахборот маълумотларини чош этиш ишлари ташкиллаштирилди. Ушбу тадбирлар давомида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- аҳолининг молиявий ва инвестицион саводхонлигини ошириш ва фуқароларни крипто-активлар айланмаси соҳасидаги мумкин бўлган хавф-хатарлар тўғрисида хабардор қилиш;
- фуқароларни крипто-активлардан фойдаланган ҳолда “скам-лойиҳалари” (ҳийла-найранг лойиҳалари), шу жумладан “молиявий пирамидалар” фаолиятига жалб қилинишининг олдини олиш;
- крипто-активлар айланмаси соҳасида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари ва ушбу соҳада Агентлик ташаббусларини тушунтириш;




2020 йил 13 январда Агентлик томонидан ўтказилган матбуот-брифинг

- (5) Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди. Кўриб чиқиляётган даврда Агентлик томонидан интернет, мессенжерлар ва ижтимоий тармоқларнинг мониторинги натижасида крипто-активлар айланмаси соҳасидаги ноқонуний фаолият юзасидан 9 та ҳолат бўйича ҳуқуқ-тартибот идораларига тегишли ҳужжатлар юборилиб, уларнинг бир нечаси бўйича жиноят ишлари қўзғатилган ва 9,5 биткоин давлат фойдасига қаратилган. Шунингдек, Агентлик томонидан Республика фуқароларига крипто-активларни ноқонуний алмашиш ёки сотиб олишни таъқиқ қилувчи хорижда рўйхатдан ўтган 6 платформаларга киришни блоклаш таъминланди;
- (6) ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик амалга оширилди. Хусусан, 2020-2021 йилларда Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ҳамда Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-услубий маркази (Москва ш, Россия) билан биргаликда ўтказилган ўқув тадбирларида ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ) доирасида ташкиллаштирилган тадбирларда Агентлик ходимлари мунтазам равишда қатнашиб келган, Жумладан, Агентлик вакиллари:
- “Виртуал активлар ва уларнинг истиқболлари: хавфни баҳолаш ва крипто валюталар билан боғлиқ жиноятлар бўйича молиявий текширувлар тажрибаси” мавзусида минтақавий конференцияда (2021 йил сентябр, Москва ш, Россия);*



виртуал активларга хизмат кўрсатувчи провайдерлар йўналишида ФАТФ талабларига риоя қилиш бўйича тажриба алмашинув халқаро семинарида иштирок этишган (2021 йил октябр, Олма-ота ш, Қазоғистон).



Ушбу тадбирлар давомида Агентлик ходимлари томонидан крипто-активлар айланмасини ҳуқуқий тартибга солиш ва ХСБ ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси тажрибаси тақдим этилди. Натижада, ЕОГ аъзо давлатлар ваколатли органлари вакиллари томонидан ушбу йўналишдаги самарали ёндашув ва крипто-активлар айланмасини тартибга солишдаги прагматизм, шунингдек ФАТФ талабларига мувофиқлик жиҳатидан ВАХКП (виртуал активларга хизмат кўрсатиш провайдерлари) фаолиятини тартибга солиш бўйича Ўзбекистон, ЕОГ майдонида етакчи мамлакат эканлиги таъкидланган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, **ЕОГ ижрочи котиби С. Тетеруков томонидан крипто-активларнинг айланмасини тартибга солишда Ўзбекистон тажрибасини ёритгани учун Агентлик ходимлари номига миннатдорчилик хати юборилган.**

1.3. Агентликнинг экспертлик салоҳиятини кучайтириш ва халқаро ҳамкорлик

Агентлик томонидан доимий равишда крипто-активлар айланмасини ривожлантириш ишларига жалб қилинган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, етакчи хорижий экспертларни жалб етган ҳолда ўқув тадбирлари ўтказилмоқда.

Ходимлар тизимли равишда маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясининг механизмлари ва функционал тамойиллари, крипто-активларнинг янги турларини ўрганадилар, глобал крипто бозорининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қиладилар.

Агентлик крипто-активлар муомаласи соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жаҳоннинг етакчи компанияларини Республикага жалб этиш мақсадида кенг қамровли халқаро ҳамкорликни амалга оширмоқда.

“Binance”, “Coinbase”, “Huobi”, “EXMO” крипто-биржалари, “BitFury” майнинг-пул, крипто-активлар айланиши учун инфратузилма ечимларини тақдим этувчи “BitMain” компанияси ва бошқа бир қатор хорижий компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТнинг ГЖБ) билан ҳамкорлик доирасида 2021-йил декабрь ойида “крипто-активлар билан боғлиқ трансакцияларни мониторинг қилиш учун дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш мавзусида ўқув тренинглар ўтказилиб, бундай дастурий маҳсулотларнинг етакчи провайдерлари (“Crystal Blockchain”, “AML Bot”) тажрибаси ўрганилди.



БМТнинг ГЖБ ва “Crystal Blockchain” компанияси вакиллари экспертлари билан учрашув

Агентлик ходимлари томонидан 2020-2021 йилларда вазирлик ва идоралар вакиллари учун Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар муомаласини ташкил этиш ва маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясидан фойдаланиш бўйича 7 та ўқув тадбири ўтказилди.

Айни пайтда Агентлик томонидан крипто-активлар муомаласини тартибга солиш ишларини илғор ёндашуви асосида ишлаб чиқиш ва шакиллантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Агентликнинг ушбу фаолиятдаги алоҳида устувор йўналишлари, аввалгидек қуйидагилар ҳисобланади:

- ❖ крипто-активлардан жиноий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўриш;

- ❖ ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ бўйича ФАТФ тавсиялари ва бошқа халқаро ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- ❖ фуқаролар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни “скам-лойиҳалари” (ҳийла-найранг лойиҳалари) ва “молиявий пирамидалар” фаолиятига жалб қилинишининг олдини олиш.

II. Лойиҳа бошқаруви ва инвестиция лойиҳалари мониторингининг илғор усуллари жорий этишга кўмаклашиш

2020-2021-йилларда Агентлик томонидан “Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими”ни (кейинги ўринларда – ЛБЯМАТ) яратиш вазифалари доирасида, “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда – “ИЛАОНваМҚ”) жорий этиш ҳам таъминланди.



ИЛАОНваМҚ – инвестиция лойиҳалари ва давлат ривожлантириш дастурларини шакллантириш доирасида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш, лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун ягона ахборот майдонини таъминлаш, лойиҳаларни мониторинг қилиш, маълумотларни визуаллаштириш ва амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ҳисоботларни автоматлаштириш имкониятини таъминлаш тизими.

Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда марказий аппаратларининг **1,6 минг** нафарга яқин ходимлари учун ИЛАОНваМҚ тизимидан фойдаланиш ва эксплуатация қилишни ўргатиш мақсадида ўқув машғулоти ўтказилди.



Давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари ходимларини
ИЛАОНваМҚ тизимидан фойдаланишга ўргатиш

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари (бошқарувчи офислари) ва хорижий давлат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ташқи савдо, халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш, республикага ташқи текин ёрдам маблағларини жалб қилиш (грантлар, техник ёрдам, манзилли текин ёрдам) бўйича ваколатли давлат органи эканлигини ҳисобга олинган ҳолда, Агентлик ташаббуси билан 2020-йил декабрь ойида ИЛАОНваМҚ тизими Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига беғараз ўтказиш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди.

2021 йил давомида Агентлик томонидан сервер ускуналари ва ИЛАОНваМҚ тизими Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тасарруфига ўтказилиши таъминланди.

Шундай қилиб, Агентлик томонидан Республикада қуйидагиларни таъминловчи тизимни яратишни назарда тутувчи лойиҳани амалга ошириш таъминланди:

- лойиҳаларни амалга оширишни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва мониторинг қилиш жараёнларини автоматлаштириш орқали инвестиция ва ривожланиш дастурларини самарали мониторинг қилиш;
- лойиҳа ҳужжатларида, шу жумладан инвестициядан кейинги даврда назарда тутилган лойиҳаларнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни ўз вақтида назорат қилиш;
- жалб қилинган ва ўзлаштирилган, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми тўғрисида ишончли ахборотни шакллантириш;
- лойиҳаларни амалга оширишда қувватларни ўз вақтида ишга туширишга моинлик қилувчи ҳолатлар учун хавфларни аниқлаш.

III. Инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш ва Хақаро ҳамкорлик

Агентлик, Республика вазирлик ва идоралардаги кадрларининг малакасини ошириш ва инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш мақсадида, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва етакчи халқаро компаниялари билан кенг халқаро ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Хусусан, 2020-2021 йилларда Агентлик томонидан «Mobiuz» мобил алоқа операторининг, «Mobiuz» база станциялари ускуналарини замонавийсига тўлиқ алмаштириш, 4G LTE тармоғи қамровини кенгайтириш, транспорт тармоғини ва коммутация қуйи тизимини ривожлантиришни, алоқа ва мобиль алоқа интернетини сифатини яхшилашни, янги технологияларни шу жумладан 5G LTE ни жорий этишни кўзда тутувчи инвестицион лойиҳасини амалга оширишда техник ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Лойиҳа доирасида, Агентлик томонидан 150 млн АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни бошлаш бўйича зарур хужжатлар тўпламини имзолашда амалий ёрдам ва кўмак кўрсатилди.

Мазкур инвестиция лойиҳаси доирасида тасдиқланган жадвалга мувофиқ, база станциялари ва бошқа технологик жихозларни етказиб бериш ишлари бошлаб юборилган.

Агентлик, Республика вазирлик ва идораларда кадрларнинг малакасини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасидаги Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг савдо-иқтисодий масалалари бўйича маслаҳатчиси канцелярияси билан ҳамкорлик қилмоқда.

COVID-19 каронавирус пандемияси туфайли ушбу ҳамкорлик 2020 йилда тўхтатилган, ҳамда 2021 йилда қайта тикланган.

2021 йилда, Хитой томонидан онлайн форматда 187 та семинар ва ўқув курсларлари ташкил этилиб, уларда 1533 нафар вазирлик идоралари ходимлари иштирок этишган.

Ушбу ўқув тадбирлари Хитой томонидан «Один пояс – один путь» дастури доирасида ташкил этилмоқда.

Семинар ва ўқув тадбирлари қуйида келтирилган йўналишлар бўйича ўтказилди:



Қишлоқ хўжалиги ва ветеренария **26 (13,9%);**



Давлат бошқаруви ва ҳуқуқ **19 (10,2%);**



Ахборот-коммуникация технологиялари **18 (9,6%);**



Соғлиқни сақлаш **14 (7,5%);**



Тадбиркорлик **13 (7%);**



Инвестиция, ташқи савдо ва саноатни ривожлантириш **12 (6,4%);**



Иқтисод ва молия **12 (6,4%);**



Сув ва ўрмон хўжалиги **11 (5,9%);**



Энергетика **9 (4,8%);**



Таълим **8 (4,3%);**



Хитой тилини ўрганиш **8 (4,3%);**



Транспорт **7 (3,7%);**



Камбаҳалчиликни қисқартириш **6 (3,2%);**




ОАВ ва туризм **6 (3,2%);**



Қурилиш **4 (2,1%);**



Бошқа йўналишлар **14 (7,5%).**



Хитойлик экспертлар томонидан вазирлик ва идоралар ходимларини ўқитиш



Вазирлик ва идоралар ходимларига курсларни тамомлаганликлари
тўғрисида сертификатлар топширилди

IV. Коррупцияга қарши курашишда Агентлик ходимларининг малакасини ошириш ва фаолиятини очиқлигини тaминлаш.

Агентлик коррупцияга қарши курашишда ва Агентлик ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда суиистеъмолчи­клaрнинг олдини олиш, хавфларни минималлаштириш ва ҳар қандай коррупция бузилишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишлари, қоғозбозлик, бюрократия ва ижро интизомнинг бузилиши ҳолатларига муросасизлик муҳити яратилган.

2021 йил 13 июлда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сонли Фармони ҳамда 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-5177-сон қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

2021 йил 1 августда Агентлик коррупцияга қарши ички назорат бўлимини ташкил этди ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича тегишли ҳужжатларни қабул қилди.

2021 йил декабр ойида Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги тавсияларга мувофиқ, Агентлик томонидан коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган, халқаро стандартларга мувофиқ бир қатор муҳим ҳужжатлар тасдиқланди, шу жумладан:

- ❖ Коррупцияга қарши кураш сиёсати;
- ❖ Коррупция рискларни баҳолаш учун методология;
- ❖ Манфаатлар тўқнашувини бошқариш қоидалари;
- ❖ Контрагентларни текшириш бўйича йуриқнома;
- ❖ Иш учун мурожаат қилаётган номзодларни текшириш бўйича йуриқнома;
- ❖ Ходимлар томонидан ахлоқ ва хулқ-атвор қоидаларини бузиш билан боғлиқ коррупцион ҳаракатлар ёки фактларни тергов қилиш тўғрисидаги Низом.

Коррупцияга қарши курашишда, ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида, 2021 йил 24 декабр куни Агентликда, Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг масъул ходими иштирокида, коррупцияга қарши

курашишнинг замонавий усуллари ва комплеанс-бошқарув механизмини амалга ошириш бўйича ўқув семинар-тренинг ўтказилди.



Коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўлими томонидан фуқаро ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳисоби юритилиб, таҳлил қилинади, харид қилиш тартиб-қоидалари таҳлил қилинмоқда, Агентлик ходимларининг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган коррупция кўринишлари тўғрисидаги нашрларни аниқлаш учун оммавий ахборот воситаларини доимий равишда кузатиб борилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Агентлик фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу иш доирасида 2020-2021 йилларда Агентликнинг расмий веб-сайти ҳам модернизация қилинди ва 2021 йил апрел ойидан янгиланган форматда ишга туширилди.

Сайтнинг янги версияси енгил ва фойдаланувчиларга қулай интерфейсни тақдим этади, шу жумладан очиқ маълумотларни нашр этиш учун янги бўлимлар қўшилган.

Агентлик зиммасига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш, республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, крипто активлар айланмаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва илғор хорижий тажрибага асосланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.